

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: **Гуломжонова Одина**

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада экологик маданиятни шакллантиришда маънавий мероснинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, экологик онг ва тафаккурнинг шаклланиши ҳамда унинг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, экологик маданиятни ривожлантиришда тарихий-маданий мероснинг тарбиявий аҳамияти очиб берилган. Муаллиф экологик маданиятни юксалтириш орқали жамият барқарор ривожланишини таъминлаш мумкинлигини асослаб беради.

Буюк тарих маданият ва маънавият эгаси бўлган халқимиз демократик тамойилларга асосланган янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини кураётган ва айни пайтда такомиллаштираётган ҳозирги мураккаб ва шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрли миллий ўзлигини англаши миллий қадриятлари таркибида унинг табиатга, аввало она тупроққа, мусаффо ҳаво ва сувга, иссиқлик ва энергия манбаи бўлган қуёшга, умуман табиат унсурлари ва атроф-муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатли муносабати марказий ўринларни ишғол қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонига биноан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида қарорида Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик

жамиятининг ролини кучайтириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиатни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган жараёнларни янада жадаллаштириш вазифалари берилган.

Ерда ҳаёт пайдо бўлибдики, инсон табиатни англашга, у билан ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштиришга интилади. Бинобарин жамиятнинг экологик маданияти тушунчаси инсониятнинг бутун тарихи билан ўлчанадиган кенг қамровли, катта ва қадимий тушунча бўлиб, унинг ижтимоий онг тизимига таъсири ва акс таъсири ҳақида фикр юритиш ҳозирги фалсафа фанининг долзарб масалаларидандир. Экологик маданият моҳиятан аслида бир цивилизациядан бошқасига, табиатни атроф муҳитни вайрон қилувчи цивилизациядан бунёдкор, табиатни атроф муҳитни яхшиловчи, фаровонлаштирувчи цивилизацияга ўтишга қаратилган бунёдкорлик, яхшилаш, фаровонлаштириш хусусиятига эга бўлиши даркорлигини билдиради. Экологик маданият айна шу ўтиш чегарасида ҳозирги ва келажак инсоният маданиятини белгиловчи омилга тобора кўпроқ айлана боради.

Ҳозирда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ғоят хавfli қуролига айланиб бораётган мураккаб шароитда баркамол авлод тарбиясида унинг экологик маданияти, тафаккурини ривожлантириш, табиатга, инсон ва унинг маънавий-руҳий оламига, миллий ва умуминсоний қадриятларга онгли, меҳр-муҳаббатли, изчил муносабатини шакллантириш қонуниятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Инсон оламини ҳамда унинг маънавий-ахлоқий идеалларини ўрганишда унинг экологик онги ва бу онгнинг ахлоқ, дин, илм-фан, санъат каби турлари билан муносабатларини тадқиқ этиш катта қизиқиш уйғотади. Ташқи муҳитни кузатиш, унга мослашиш жараёнида инсон ер, сув, дов-дарахт нималигини кашф этади, уларнинг ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганади. Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатлар илм аҳлини асрлар давомида

ўйлантириб келган. Инсон табиат олдида қай даражада қарздор, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда қандай меъёр бўлмоғи зарур, ақлли мавжудот бўлган инсон табиатни енгиб, унинг устидан ҳукмронлик қила оладими, умуман, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги қанчалар адолатли, каби саволлар табиатшунос ва файласуфларнигина эмас, барча фан соҳалари вакиллари ҳам тадқиқотлар олиб боришга ундаган.

Ҳар қандай инсон, миллат, жамият ва давлатнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга турли моддий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий омиллар катта таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, шахс экологик маданиятини шакллантириш жараёнлари халқимизнинг ривожлантирилаётган экологик бой меросини, моддий ва маънавий қадриятларини халққа етказиб беришда маънавий мерос сифатида бадиий адабиёт муҳим ўрин тутмоқда. Шунинг учун бу борадаги назарий ва амалий масалаларни янгича фалсафий тамойиллар асосида тадқиқ қилиш фан учун ғоят долзарб бўлиб, муҳим илмий аҳамиятга эга.

Тарихий меросни ижодий ривожлантириш, уларни замонавийлаштириш ижодий фаолиятларнинг самарадорлигини ва истиқбол мўлжалларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида шахс экологик онги ва маданиятини шакллантириш жамият мавжудлигининг шарти сифатида қаралган. Айниқса, экологик муаммолар глобаллашиб ва кескинлашиб кетаётган шароитда шахс экологик онги ва дунёқарашини замон талаблари даражасида ривожлантириш, инсоният цивилизацияси келажагини таъминлаш асоси эканлиги англаб бормоқда.

Шунга кўра бу соҳада оммавий маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш расмий идоралар олиб бораётган экологик фаолиятга қўшимча импульс беради. Хусусан, миллий экологик меросни ривожлантиришнинг шарт-шароитларини, имкониятларни, усул ва воситаларни яратиш замонавий экологик маданият асосини ташкил қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси*. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Абдуллаев А. *Экологик маданият ва барқарор тараққиёт асослари*. – Тошкент: Фан, 2015.
3. Йўлдошев Қ. *Фалсафа ва экология*. – Тошкент: Университет, 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
5. Раҳимов Б. *Экологик таълим ва тарбия масалалари*. – Тошкент: Ўқитувчи, 2017.
6. Интернет манбалари ва илмий мақолалар (ekologiya va barqaror rivojlaniшga oid).